



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
бу юк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 27 февраль, №48 (3160)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Қайд этиб ўтилсинки, республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг биринчи босқичи умуман муваффақиятли амалга оширилмоқда. Кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам тизими — Республика шифохона тиббий ёрдам маркази, вилоят марказлари ва туман марказий шифохоналарида иктисослаштирилган бўлимлар тўлиқдан бўлиб, улар аҳолига тежор бепул шифолиқ тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминламоқда.

Кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам муассасалари замонавий тахшис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланмоқда. Шифокорларнинг маалакиси ҳамда замонавий тиббий техника билан жиҳозлашни ҳисобга олган ҳолда кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам тизими шифокорлари ҳамда тиббиёт ходимларининг меҳнатини ташиқли этиш ва моддий рағбатлантириш тизими муттасили тақомиллаштириб бориламоқда.

Аҳолига, энг аввало, қишлоқ жойлардаги аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими ислох қилинмоқда. Республиканинг барча туманларида замонавий тиббий ускуналар ва дори-дармонлар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этиламоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, республикада юксак жаҳон талаблари даражасидаги юқори технологияли иктисослаштирилган тиббий марказларни шакллантириш, илгор тиббий технологияларни кенг жорий этишнинг ташкилий, молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яхшироқ келтириш мақсадида:

1. Илгор чет эл тажрибасини ҳисобга олган ҳолда юқори маалаки иктисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож беморларни қабул қилувчи ҳамда замонавий тахшис ва даволаш тиббий ускуналаридан фойдаланиб даволайдиган махсус клиникалар ва тиббий марказларни ташкил этиш. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш иккинчи босқичининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.
2. Белгилаб қўйилсинки, махсус клиникалар ва тиббий марказлар, қонда тариқасида, қуйидаги талабларга мос келиши лозим:
  - яхши тайёргарлик кўрган ва ўз тиббиёт соҳасида тан олинган ҳамда юксак обрў-эътибор қозongan шифокор-муҳассилларга эга бўлиш;
  - юқори технологияли тахшис ва даволаш тиббий ускуналари билан жиҳозланган замонавий моддий-техника базасига эга бўлиш;
  - ўз тиббий амалиётида юксак жаҳон талабларида мос келадиган даволаш ва тахшиснинг мураккаб усулларини жорий этиш ҳамда кенг қўллаш;
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси Ижтимоий комплекс, Соғлиқни сақлаш вазирилари ва Молия вазирилари билан тўғрисида кўриб чиқилган тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилари Урология илмий маркази негизда Республика иктисослаштирилган урология маркази;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилари номидagi Жарроҳлик илмий маркази негизда Республика иктисослаштирилган жарроҳлик

(Давоми 2-бетда).



Қиш оёқлаб қолди. Олдинда деҳқон, боғбону соҳибкор учун масъулиятли фасл — баҳор эшик қоқмоқда. Мастураҳон Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган йиғилиши ва унда Президентимиз сўзлаган маърузани хаёлидан ўтказаркан, беҳтиёр ўзи раҳбар бўлган Ш. Рашидов номли анорчилик-бодорчилик хўжалигининг ўтган йилдаги фаолиятини сарҳисоб қила бошлади:

... Ер ҳам, боғ-роғлар ҳам ўз эгалари — 549 нафар

пудратчига берилган. Ҳар туп дарахт ардоқда. Ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам меҳнатга яраша. Хўжалик йилни салкам 49 миллион соф фойда билан якунлади.

— Президентимизнинг маърузалари ишимиздаги устувор йўналишларни белгилаб берди. Энди қўйилган вазифаларни амалга ошириш ўзимизга боғлиқ, — дейди Кува туманидаги Ш. Рашидов номли ширкат хўжалиги раҳбари Мастура Сайфутдинова (суратда).

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## “Ташаббус — 2003” ТАНЛОВНИНГ СЎНГГИ БОСҚИЧИ ТОШКЕНТА БЎЛАДИ

Жойларда “Ташаббус — 2003” кўрик-танловининг вилоят босқичлари бўлиб ўтмоқда. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичида ғолиб чиққан тадбиркор, фермер ва хунармандлар иштирок этаёпти.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси уюштирган «Ташаббус — 2003» кўрик-танловига Тўртқўдан тортиб Тахтақўл, Гангитдан тортиб Мўйноқча, барча-барча туманлардан тадбиркорлар, мулкчиликнинг янги шакллари

тадбиркори, Амударё туманидаги «Ерпелес» фермер хўжалиги раиси Ерпелес Бобониев ўзининг энг яхши фермери, Канглик туманидан уста Каримидин Қутимов йилнинг энг яхши хунарманди номинацияларига бўйича ғолиб деб топилди.

Ўзбекистон халқ устаси, кўқонлик Абдуғани Абдуллаев «Фаргона услубидаги мемориаллик ишлари учун «Ташаббус-2003» кўрик-танловига вилоятнинг “Энг яхши хунарманд”и деб тан олинди.

Узбекистон туманидаги “Умид” фермер хўжалиги раҳбари Имомали Назаров эса “Энг яхши фермер”ликка муносиб топилди. Фаргона шаҳри Қирғули туманидаги “Мўминжон” хусусий корхонаси раҳбари Ҳалимжон Қалан

Термизда ўтган «Ташаббус-2003» кўрик-танловини ҳам ҳар қачондай қизғин кечди. Ўз маблаг ҳисобига катта тижорат бозорини куриб қолган, 60 ўринли сизатгоҳни қўрган, ички бозорини

халқ истеъмол моллари билан тўлдирётган Деновдаги «Орзу К» хусусий фирмаси бошлиги Ҳабиб Нормуродов танловда энг зўр тадбиркор деб эълорф этишди. Деновдаги «Баҳриддин» фермер хўжалигининг бошлиги, Баҳром Дилов ҳам кўрик

Кўрик-танловнинг вилоят босқичида ғолиб бўлган тадбиркорлар энди Тошкентда, сўнги босқичда учрашади. «Халқ сўзи» мухбирлари.

## Пойтахтимизда

### Янги лойиҳалар тайёрланмоқда

Мамлакатимизда Осие тараққийёт банкнинг мақсади миссиясини таъриф бузди. Ушбу таъриф корпоратив бошқаришни ислох қилиш, хусусийлаштирилган корхоналарга ердам бериш бўйича қарр лойиҳасини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини тузилмавий жиҳатдан мустақамлаш ҳамда капитал бозорини ривожлантиришга техник қўмақлашни лойиҳаларини тайёрлашга қаратилган.

Миссия вакиллари Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раҳбарини ва техник ходимлари билан қатор самарали учрашувларни ўтказди. Ушбу учрашувлар давомида тақлиф этилаётган лойиҳа билан боғлиқ асосий масалалар муҳокама этилди. Мазкур лойиҳада қўмитанинг корхоналарини реструктуризация қилиш ва хусусийлаштириш, хусусий тармоқни ривожлантиришга доир давлат дастурини амалга ошириш борасидаги фаолиятини тақомиллаштириш кўзда тутилган.

Осие тараққийёт банки муҳассиллари иштирокида ўтказилган учрашувлар ва музокаралар натижасида 2003 йилнинг 21 февралда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Осие тараққийёт банки раҳбарияти ўртасида қўмитани тузилмавий жиҳатдан мустақамлашга техник қўмақлашни мақсади бўйича Узаро аниқлашув тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Мазкур меморандум миссия томонидан олинган асосий маълумотларга асосан яради. Утказилган мунозаралар натижасида лойиҳа вазифалари ва кўлами, шунингдек, ушбу лойиҳани амалга ошириш чора-тадбирлари бўйича шартнома тузилди. Ўзбекистонда монополияга қарши тартибга солишни қонунчилик билан ва рақобат сиёсатини тақомиллаштириш учун халқро ҳамда маҳаллий мақсадчиларнинг жалб қилиш кўтилётган техник ёрдам доирасида фаолиятни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Шунингдек, бу борала қўмита ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ходимларининг маълақ ҳамда кўникмаларини ошириш учун тренинглар, семинарлар, конференциялар ташкил этиш, қўмитанинг моддий-техника базасини мустақамлаш ҳам кўзда тутилган.

Ў.А.

## Бўз туманидаги Юсуф Шодмонов номли ширкат хўжалиги дала шийпони тадбиркор Хайрулло Худойқулов ўз хомийлигига олди. У фирма даромадлари ҳисобидан дала меҳнатқашаларига бепул тушлик уюштирмоқда.

Бизнинг кўп тармоқли «Хайрулло» ишлаб чиқариш фирмасида қандолат цехи фаолият кўрсатмоқда, — дейди фирма раҳбари Х.Худойқулов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Маҳаллий хомашёдан етти турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқараямиз. Улар нафақат туманида, балки қўшни вилоятларда ҳам ўз харидорларини топмоқда. Келгусида мазкур ҳудудда яшовчи ногиронлар ва кўп болали оилаларга ҳам моддий ёрдам кўрсатишни мўлжалламоқдамиз.

Ингилишини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат мақлақатчиси И.Журабеков бошқарди. Маълумки, Чимён-Чорвоқ минтақаси ўзининг табиий иқлим шароитига кўра курорт ва дам олиш мақсадлари учун жуда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Б.Д.Субановни Ўзбекистон Республикаси Фавқуллода вазиятлар вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Бахтиёр Джумабаевич Субанов — Ўзбекистон Республикаси Фавқуллода вазиятлар вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2003 йил 26 февраль.

## «Чорвоқ» дам олиш мавсумига ҳозирланмоқда

2001 йилнинг сентябрь ойида Вазирилар Маҳкамасининг Чимён-Чорвоқ курорт ҳудудининг табиий бойликларини асраш ва бу ерда соғломлаштириш, дам олиш тизимини ривожлантириш тўғрисидаги махсус қарори қабул қилинган эди.

Бўстонлик туманида бўлиб ўтган ҳукумат комиссиясининг йиғилишида ана шу ҳужжатнинг ижроси билан боғлиқ масала атрофида муҳокама этилди. Унда мазкур соҳага алоқадор вазирлик ва идора-лар, уюшмалар, корхона ҳамда худудий бошқарув органлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Кулай бўлиб, махсус муҳофаза этиладиган табиий худудлар сирасига киритилган. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан бу ерда бошланган улкан бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда. Энг аввало, Ҳазраткент-Чор

## Иқтисодий салоҳияти мизни юксалтириш йўлида

Давлат божхона қўмитасида кенгайтирилган хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирилар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимизга кўп миқдордаги товарларни ноқонуний, яъни контрабанда йўли билан олиб киришга қарши кураш, худудларимизда ноқонуний товар олиб кириш билан шугулланувчи уюшган, коррупциялашган жиноий тизимлар фаолиятини аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш, товарларни четдан олиб кириш ва сотишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини қаттиқ назорат остига олиш борасида амалга ошириладиган галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Кўмита раиси Б.Парпиев божхона тўловларидан қочишини турли усуллари — божхона назоратини четлаб ўтиш, божхона қийматини қайтариш, нотўғри декларациялаш, божхона режимлардан алов йўли билан фойдаланиш каби ҳуқуқбузарликларга алоҳида эътибор қаратилмаётганини таъкидлади.

Шу босис қадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва маалакасини ошириш, ходимлар ўртасида кизмат интизомини мустақамлаш, коррупцияга қарши курашиш, қонунбузарлик содир этилишининг олдини олишга қаратилган ишларни қучайтириш, бунда божхона тизимида тамағирлик, порахўрлик ва кизмат интизомини бузиш каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида чоралар белгилаб олинди.

Тадбиркорларга ёрдам бериш ҳамда республикамизга сифатсиз товарлар кириб келишининг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида, оммавий ахборот воситаларида тарбиёт-ташвиқот ишларини янада қучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ, Ў.А. мухбири.

## Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Кенгаши ва бошқарувининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2002 йил якунлари ва Президент Ислам Каримовнинг Вазирилар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Таъкидландики, «Ўзмилийбанк»нинг ўтган йилги фаолияти хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига фаол жалб этиш, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини амалга ошириш, корпоратив ва чакана миқозларни қучайтириш, фонд бозорини янада қучайтириш, нотўғри декларациялаш, божхона қийматини қайтариш, нотўғри декларациялаш, божхона режимлардан алов йўли билан фойдаланиш каби ҳуқуқбузарликларга алоҳида эътибор қаратилмаётганини таъкидлади.

Банк капитали 608,3 миллион АҚШ долларини, активлари 3,2 миллиард долларни ташкил этди. Вакилик тармоғи 581 банкни, шу жумладан, жаҳондаги 67 мамлакатнинг 553 хорижий банкни ва Ўзбекистоннинг 28 банкни ўз ичига олди.

«Ўзмилийбанк» фаолияти халқро молия ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланди: у дунёдаги 1000 та йирик банк ўртасидаги рейтингда 408-ўринни эгаллаб, 2002 йилда республикамизнинг «Энг яхши банк»и деб эътироф этилди.

Кредит портфели ҳажми 45 фоиз қўлайиб, 2,3 миллиард долларга етди. Кре-

дит портфелининг асосий улуши ўрта ва узоқ муддатли кредитлардан иборат бўлиб, уларнинг салмоғи 84,3 фоизни ташкил этди.

2002 йил мартинда, шунингдек, банк томонидан умумий суммаси тахминан 2,84 миллиард долларлик лойиҳалар 130 хорижий кредитлар ҳисобидан молиялаштирилди. Молиялаш ишлари эса асосий йўналишлар бўйича амалга оширилди. Лойиҳаларни ажратилган кредит йўналишларини ўзлаштириш ҳисобига молиялаш, янги кредит йўналишларини жалб этиш, лизинг шартномаларига, қаролатли ва факторинг операцияларига кизмат кўрсатиш, хорижий банклар молиявий агентлари вазибаларини бажариш ва Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига кирган лойиҳаларни молиявий таъминлаш шулар сирасига киради. Натижада мамлакатимиз корхоналарида 33 миллиард сўмлик дам ортқчи товарлар ишлаб чиқарилиб, кизматлар кўрсатилди.

Бир сўз билан айтганда, Чорвоқ-Чимён худуди навбатдаги дам олиш мавсумига бошқача қиёфада ҳозирланмоқда. Бироқ бу ерда нафақат айрим корхона ва ташкилотлар ходимлари, балки барча юртдошларимиз ҳордиқ чиқариши учун ҳам етарли шарт-шароит яратилиши керак. Шу босисдан ҳам йиғилишда мавсум бошлангунча ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини жалдлаштириш, шунингдек, ёзги меҳмонхона, ёзги кинотеатр, кафе ва ресторо-ларнинг, ижара пунктларини фойдаланишга топшириш лозимлиги уқтириб ўтилди.

Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

Н.М.ДУШАЕВ, Ў.А. мухбири.





Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Нобель кўмитасига янги раҳбар

Норвегия Нобель кўмитасига янги раҳбар тайинланди. Бундан буён унга Тромсо университетининг тиббиёт бўйича профессо-



ри Оле Данболт Мьёс раислик қилади.

«Ассошейтед Пресс» агентлигининг маълумотига кўра, Мьёс кўмитага 2002 йилнинг ноябрь ойида аъзо этиб сайланган эди ва у энди раис - Гуннара Бергеннинг ўрнини эгаллади.

Кучли портлаш

Ироқнинг нефть қазиб олиш манзилларида бирида кучли портлаш юз берди. Ушбу ҳодиса содир бўлганлигини мамлакат Ахборот вазирлиги вакили ҳам тасдиқлади. Ундан олдин «EFE» агентлиги маҳаллий манбаларга таянган ҳолда, мамлакат шимолидаги Киркука шаҳри атрофида кучли портлаш овози эшитилганлиги ҳақида хабар берганди. Вазирлик вакилининг айтиши-

ча, портлаш қазиб ишлари олиб борилаётганда рўй берган ва кучли ёнғинга сабаб бўлган. Ҳозиргача уни ўчиришни иложи бўлмапти. Шунингдек, вакил портлаш қурдлар томонидан уюштирилган деган маълумотни рад этган.

«Интерфакс» агентлигининг маълум қилишича, қурбонлар йўқ.

«Ал-Қоида»га алоқадорликда айбланмоқда

Саудия Арабистонининг полицияси Маккада етти нафис ўсмирни ҳибсга олди. Улар «Ал-Қоида» экстремистик ташкилотига алоқадорликда гумон қилинмоқда. Бу ҳақда мамлакат ички ишлар вазирлиги шаҳзода Найеф Бин Абдулазиз маълум қилган.

«Лента ру»нинг хабар қилишича, вазир ҳибсга олиш пайтида ўсмирлардан қуроллар топиладигани ҳам билдирган. Қидирув ишлари давом этмоқда.

Кипр қайта қўпиладими?

БМТ Бош қотиби Кофи Аннан Афинада «Кипрни қайта қўпиш масаласи бўйича қарор қабул қилишнинг энг сўнгги мuddати келганлигини таъкидлади. Унинг фикрича, агар бу имконият қўлдан бўй берилса, у яқин орада яна пайдо бўлмайди.

«Би-би-си»нинг маълум қилишича, Аннан Кипр муаммоси бўйича 28 февралгача узил-кесил қарор қабул қилиниши учун фаол иш юритмоқда.

Эбол безгаги оқибатида...

Конгонинг шимолида Эбол безгаги касаллиги оқибатида 76 киши ҳаётдан кўз юмди, деб хабар беради «РИА «Новости» аген-



тлиги. Шифокорларнинг фикрича, айни пайтда касаллик кўзга-туви манба аниқланган. Утган йилнинг охирида бир неча горилла оилалари шу касаллик туғайли ҳалок бўлишганди. Уларнинг гўштини эса маҳаллий аҳоли истеъмол қилган.

«Медновости ру»нинг маълумотига қараганда, ўтган йили ҳам ушбу эпидемия натижасида 62 киши қурбон бўлган. Эпидемия Угандада сўнгги марта 2001 йилнинг охирида қузатилган эди. Ушанда 173 нафар киши ҳалок бўлганди.

Молиячи-фирибгарлар қидирилмоқда

Гондурас ҳукумати омонатчиларни алдаганликда айбланаётган 20 нафар банкирни топишда кўмак берганларга пул мукофоти ваъда қилган. Мамлакат пой-

тахти Тегусигальпе шаҳрида ўтказилган матбуот анжуманида давлат хавфсизлиги вазирлиги Оскар Альварес шу ҳақда маълум қилган.

Қидирилаётган молиячилар шахсий депозитлардан 246 миллион доллар ўмарганликда айбланмоқдалар.

«РИА «Новости» агентлигининг хабарига кўра, агар фибрибгарлар қўлга олинса, улар 4 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум этилишлари мумкин.

Рожиудан бирмунча бурун

НАСА мутахассислари «Columbia» шатли экипажи ҳаётининг сўнгги дақиқалари ёзилган видеокассетани топишган. Маълумотларга кўра, тасвирга олиш ишлари шатлда му-



аммолар бошланмасдан бир неча дақиқа олдин амалга оширилган экан. Видеобўлувда астронавтларнинг кўниш учун тайёргарлик кўраётгани ва хотиржам суҳбатлашиб ўтиришгани акс эттирилган.

«News ру»нинг маълумоти кўра, НАСА видеоёзуви шу ҳафтанинг охиригача журналистларга тўлиқ кўрсатишга ваъда берган.

Янги йўлда янги кадрлар ишлайди

Қиркинчи йилларнинг охирида Чоржуй-Кўнғирот, етмишинчи йилларнинг бошида Кўнғирот-Кейнеу темир йўллари-нинг фойдаланишга топширилиши Куйи Амударё воҳасининг иқтисодий турмушида муайян ўзгаришларга асос бўлган эди.

Янги аср бошида Куйи Амударё тўғрисидаги мамлакатимиз маркази билан боғлайдиган «Нукус-Султонувайс-Мискин-Учкудук» темир йўлининг очилиши коммуникациялар тизимида янги даврни бошлаб берди. Айни кунда

йўловчи поездлар Кўнғирот, Нукус, Урганчдан «Бузаубой», «Учкудук», «Тинчлик» бекатлари орқали Навоий, Самарқанд, Жиззах ва албатта, Тошкентга аввалгидан 6-8 соат барвақт бормоқда, фуқароларнинг узогини яқин қилмоқда. Халқ ҳўжалиги юкларининг ўз худудимиздан ташилаётганлиги туғайли келатган катта миқдордаги валюта эса иқтисодиёtimизнинг бошқа муҳим эҳтиёжларига ишлатилмоқда.

Оролбўйи темир йўл тизими тобора такомиллашмоқда. Амударёга Тошсоқа мавзесида

қурилаётган улкан темир йўл кўприги бу жараёни янада тезлаштиради. Демак, мазкур тизимга кўплаб янги мутахассислар, муҳандис-техниклар, машинистлар, шўбхобекат ходимлари керак бўлади. Шунинг ҳисобга олиб, Тўрткўл туманининг Шўраҳон қишлоғида қад тиклаган замонавий касб-хўнара коллежига санавот-транспорт коллежи мақоми берилди. Айни кунда коллежда касб ўрганаётган 400 нафар ёшларнинг асосий қисми темирйўлчи ихтисосини эгаллайди. Улар орасида нафақат Қорақалпоғистон Республикаси, балки Хоразм, Навоий ва бошқа вилоятлардан келган ёшлар бор.

Шириний РАЗЗОҚОВА, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

Ўзбекистон замини жаҳон илму фани, маданияти ва санъати ривожига улкан ҳисса қўшган қатор буюк аллома ва мутафаккирларни воёга етказган. Ҳозирги пайтда уларнинг боқий меросидан бутун башарият баҳраманд бўлмоқда.

МАДАНИЯТИМИЗНИНГ СЎНМАС ДУРДОНАЛАРИ

Афсуски, айрим сабабларга кўра, аждодаларимизнинг кўп сонли асарлари хорижга олиб чиқилиб, шу кунгача дунёнинг турли илмий марказ, кутубхона ва музейларида сақланмоқда. Бундай қимматли манбаларни топиш ва уларни ҳар томонлама ўрганиш халқимизнинг маданиятини тиклашга қаратилган миллий дастурнинг ажралмас қисминдир. Бу ишга мамлакатимиз ҳукумати, олимлари, мутахассислари билан бир қаторда дипломатлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Лондондаги элчихонаси вакиллари Буюк Британиянинг урта етакчи илмий маркази — Лондондаги Британия миллий кутубхонаси, Оксфорддаги Болден кутубхонаси ва Кембриж университети кутубхонасида тадқиқот ишларини олиб боришди. Бунинг натижасида Ўзбек тилида «Маданиятимизнинг сўнмас дурдоналари» номли библиографик тўплам чоп этилди. Унда буюк аллома ва мутафаккирлар — Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон ал-Беруний, Имом ал-Бухорий, Абу Наसर ал-Фаробий, Алишер Навоий, Амир Темур, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Камолдин Бехзод ва бошқа аждодаларимизнинг Британия кутубхоналарида сақланаётган мероси оид қадимий кўлэма, китоб ва ҳужжатли манбалар тўғрисида маълумотлар жамланган.

Дунёда йирик билим масканларидан бири ҳисобланмиш Британия миллий кутубхонаси кўлэма фонданинг ўзида 50 мингдан зиёд кўлэма ва ҳужжатли манбалар мавжуд. Тадқиқотлар давомида буюк табиб ва файласуф Абу Али ибн Синонинг юздан зиёд асарлари борлиги аниқланди. Улар XI-XIX асрлар давомида араб тилида бир неча қарра қайта кўчирилган нусхалардир. Мазкур асарлар орасида «Ал-Шифо» (1092 й.), «Ал-Қонун фи ал-тибб» (1131 й.), «Ал-Ишорот ва ал-танбиҳот» (1242 й.) ва «Мақола фи ал-Нафс» (1242 й.) сингари алоҳида қийматга эга кўлэмалар мавжуд.

Британия миллий кутубхонаси ҳамда Болден кутубхонасида алломанинг 30 дан зиёд «Ал-Қонун фи ал-тибб» («Тиб қонунлари») асарининг кўлэма нусхалари сақланади. Ибн Синонинг бу асарни кўп асрлар давомида Фаршар Шарқ табиблари учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қилган.

Британия миллий кутубхонаси кўлэмалар фондида, шунингдек, қомусий аллома Абу Райҳон ал-Берунийнинг

7 та ноёб кўлэмаси мавжуд. Унинг 11 китобдан иборат бўлган «Ал-Қонун ал-Масъудий» («Масъуд қонун») асари кутубхона фарибдир. Аждодаларимизнинг Буюк Британия кутубхоналаридаги мероси орасида бобомиз Амир Темур ва темирйўллар даврига оид кўлэмалар алоҳида ўрин тутди. Дарҳақиқат, Британия миллий кутубхонасида сақланаётган Низомий Шомийнинг «Зафарнома» (1434 й.) кўлэмаси соҳибқирон ҳаёти даврида ёзилган ақшоқ ягона тарихий манбадир.

Шу билан бирга, Буюк Британияда Шарофиддин Али Яздийнинг тахминан 823 ҳижрий йилда ёзилган ва, айни пайтда, Амир Темур давлати тарихи тўғрисида муҳим манбалардан бири ҳисобланган «Зафарнома»нинг 18 та кўлэмаси сақланмоқда.

Қадимги турк ва форс тилларида ёзилган манбалар орасида Алишер Навоийнинг 18 та кўлэма асари бор. Уларнинг энг қадимиси шоирнинг ҳаётлигида (1482) ёзилган бўлиб, биринчи шеър ва достонларини ўзида муржамам этган. Болден кутубхонасида 1485 йилда номаълум бир хаттот томонидан асл нусхадан кўчирилган Алишер Навоий «Хамса»сининг энг биринчи кўлэма нусхаларидан бири мавжуд. Ушбу ноидр кўлэмада машҳур миниатюра устаси Камолдин Бехзод ва шоғирдларининг 8 та миниатюраси ўз аксини топган.

Мутахассислар эътиборини, шунингдек, «Бобурнома»нинг 18 кўлэма нусхаси жалб этади. Уларнинг энг қадимгиси турк тилида 1630 йилда ёзилган. Афсуски, бу кўлэма бизгача тўла шаклда етиб келмаган.

Юқорида қайд этилган аждодаларимизнинг Буюк Британияда мавжуд ноидр асарлари қаторида Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Жомий ал-саҳих», ал-Хоразмийнинг «Ал-Китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала», Аҳмад ал-Фаронийнинг «Ал-Комил фи илм ал-астурлоб» ҳамда Форобийнинг 30 дан зиёд асарини ҳам кўрсатишимиз мақсадга мувофиқдир.

Мордон ЁҚУБОВ, «Жаҳон» АА, Лондон.

OFFICIAL INVITATION OF THE STATE COMMITTEE FOR STATE PROPERTY MANAGEMENT AND ENTREPRENEURSHIP SUPPORT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

The State Committee for State Property Management and Entrepreneurship Support (State Property Committee) of the Republic of Uzbekistan notifies of bidding prolongation and invites all interested parties to submit their proposals.

Type of sale: open for legal entities, non-residents of the Republic of Uzbekistan.

Object of sale: 62.45% of JSC «Toshmargyog» common shares in number of 1 636 202 (one million six hundred thirty six thousand two hundred and two). Majority stake is offered for sale as a whole package. JSC «Toshmargyog» is located at the following address: 47, Djarkurgan street, Tashkent, the Republic of Uzbekistan. Tel.: 191-69-04, fax: 96-65-10.

Subject of sale: the initial cost of 62.45% of JSC «Toshmargyog» shares in the amount of USD 1 846 560 (one million eight hundred forty six thousand five hundred sixty).

Due date for proposal submission: from February 27, 2003 to March 31, 2003 at 11:00 a.m.

Due date for tender results: from March 31, 2003 to April 20, 2003

Tender guarantee:

In order to participate in bidding it is necessary to make a payment in the amount of USD 3 000 (three thousand) to special account of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan:

acc.#21506840400600289002 Central Bank of the Republic of Uzbekistan, Bank code 00014 S.W.I.F.T. Code: CBUZUZ22

Contact telephone for inquiries and obtaining tender documentation:

Enterprise Institution Building Bureau State Property Committee of the Republic of Uzbekistan 55, Uzbekistan Ave., Tashkent 700003 Tel.: (998 71) 139-22-59, 139-22-23 Fax: (998 71) 139-21-42

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИНING РАСМИЙ ТАКЛИФИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Давлат мулки қўмитаси) тендер мuddатини узайтириш ҳақида эълон қилади ва унда қатнашиш истагини билдирган шахсларни таклиф этади.

Тендер тури: Ўзбекистон Республикасида барча норезидент юридик шахслар учун очик.

Тендер объекти: «Тощмаргёр» ОАЖ нисом жамғармасининг 62,45%ини ташкил этувчи 1 636 202 (бир миллион олти юз ўттиз олти миң икки юз икки) та акцияси. Акциялар ягона пакет тарзида савдога қўйилади. «Тощмаргёр» ОАЖ куйидаги манзилда жойлашган: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Жарқўрон» кўчаси, 47-уй. Тел.: 191-69-04, факс: 96-65-10.

Тендер предмети - Акцияларнинг 62,45%ини ташкил этувчи «Тощмаргёр» ОАЖнинг бошланғич нархи: 1 846 560 (бир миллион саккиз юз қирқ олти миң беш юз олти миш) АҚШ доллари.

Таклифларни қабул қилиш мuddати: 2003 йил 27 февралдан — 2003 йил 31 мартгача (соат 11.00 гача).

Тендер натижаларини эълон қилиш мuddати: 2003 йил 31 мартдан — 2003 йил 20 апрелгача.

Тендер кафолати

Тендерда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг куйидаги махсус валюта ҳисоб рақамига 3 000 (уч миң) АҚШ доллари тўлаш лозим: acc. № 21506840400600289002 Central Bank of the Republic of Uzbekistan, Bank Code 00014 S.W.I.F.T. Code: CBUZUZ22.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш учун куйидаги манзилга мурожаат қилинг: Ўзбекистон Республикаси ДМҚ, Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюроси: 700003, Тошкент ш., «Ўзбекистон» шоҳқўчаси, 55-уй. Тел.: (998 71) 139-22-59, 139-22-23. Факс: (998 71) 139-21-42.

OFFICIAL INVITATION OF THE STATE COMMITTEE FOR STATE PROPERTY MANAGEMENT AND ENTREPRENEURSHIP SUPPORT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

The State Committee for State Property Management and Entrepreneurship Support (State Property Committee) of the Republic of Uzbekistan notifies of bidding prolongation and invites all interested parties to submit their proposals.

Type of sale: open for legal entities, non-residents of the Republic of Uzbekistan.

Object of sale: 51% of JSC «Yangiyul yog moy» common shares in number of 5 465 619 (five million four hundred sixty five thousand six hundred and nineteen). Majority stake is offered for sale as a whole package. JSC «Yangiyul yog moy» is located at the following address: 352, Samarkand street, Yangiyul town, Tashkent region, the Republic of Uzbekistan. Tel.: 2-62-03.

Subject of sale: the initial cost of 51% of JSC «Yangiyul yog moy» shares in the amount of USD 1 385 547 (one million three hundred eighty five thousand five hundred forty seven).

Due date for proposal submission: from February 27, 2003 to March 31, 2003 at 11:00 a.m.

Due date for tender results: from March 31, 2003 to April 20, 2003

Tender guarantee:

In order to participate in bidding it is necessary to make a payment in the amount of USD 3 000 (three thousand) to special account of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan:

acc.#21506840400600289002 Central Bank of the Republic of Uzbekistan, Bank code 00014 S.W.I.F.T. Code: CBUZUZ22

Contact telephone for inquiries and obtaining tender documentation:

Enterprise Institution Building Bureau State Property Committee of the Republic of Uzbekistan 55, Uzbekistan Ave., Tashkent 700003 Tel.: (998 71) 139-22-59, 139-22-23 Fax: (998 71) 139-21-42

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИНING РАСМИЙ ТАКЛИФИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Давлат мулки қўмитаси) тендер мuddатини узайтириш ҳақида эълон қилади ва унда қатнашиш истагини билдирган шахсларни таклиф этади.

Тендер тури: Ўзбекистон Республикасида барча норезидент юридик шахслар учун очик.

Тендер объекти - «Янгийўл ёғ-мой» ОАЖ нисом жамғармасининг 51%ини ташкил этувчи 5 465 619 (беш миллион тўрт юз олти миң беш миң олти юз ўн тўққиз) акцияси. Акциялар ягона пакет тарзида савдога қўйилади. «Янгийўл ёғ-мой» ОАЖ куйидаги манзилда жойлашган: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 352-уй. Тел.: (260) 2-62-03.

Тендер предмети - Акцияларнинг 51%ини ташкил этувчи «Янгийўл ёғ-мой» ОАЖнинг бошланғич нархи: 1 385 547 (бир миллион уч юз саксон беш миң беш юз қирқ етти) АҚШ доллари.

Таклифларни қабул қилиш мuddати: 2003 йил 27 февралдан — 2003 йил 31 мартгача (соат 11:00 гача).

Тендер натижаларини эълон қилиш мuddати: 2003 йил 31 мартдан — 2003 йил 20 апрелгача.

Тендер кафолати:

Тендерда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг куйидаги махсус валюта ҳисоб рақамига 3 000 (уч миң) АҚШ доллари тўлаш лозим: acc. № 21506840400600289002 Central Bank of the Republic of Uzbekistan, Bank Code 00014 S.W.I.F.T. Code: CBUZUZ22.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш учун куйидаги манзилга мурожаат қилинг: Ўзбекистон Республикаси ДМҚси, Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюроси: 700003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳқўчаси, 55-уй. Тел.: (998 71) 139-22-59, 139-22-23. Факс: (998 71) 139-21-42.

PEYJING PORT MCHJ «ТУРОН ЛИНК-067» ШПРХ
Хурматли юртодошлар!
«ТУРОН ЛИНК-067» шахсий радиочақирув хизмати сизларга НК типдаги пейджерларни сотишини маълум қилади:
\* алфавит-рақамли пейджер;
\* шрифти — кирилл;
\* 20 гача маълумотларни эсда тутати;
\* 4 қаторли дисплей;
\* функционал менюни кенг тапплаш.
ДИҚҚАТ!
УЛГҮРЖИ ХАРИДОРАЛГА
ЧЕГИРМАЛАР
БЕРИЛАДИ!
«ТУРОН ЛИНК-067» шахсий радиочақирув хизмати куйидагиларни КАФОЛАТЛАЙДИ:
• кечая кундуз хизмат кўрсатиши;
• юқори сифатли алоқа;
• юқори техник қўллаб-қувватлаш;
• улашни ва абонент тўловига муқим тариф ставкалари;
• бепул реклама канали — Бошгидрометмарказдан ҳар кунги об-ҳаво маълумоти ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг валюталар курси ҳақидаги маълумоти.
НК ПЕЙДЖЕРИНИ ТАНАЛАГАНГИЗ УЧУН СИЗГА МИННАТДОРЧИЛИК БИЛАДИРАМИЗ.
«PEYJING PORT» MCHJ «ТУРОН ЛИНК-067» шахсий радиочақирув хизмати НК пейджерси мўҳтаж фавоалиятли, дам оливингизда қудай ва фойдала ҳамда сизнинг яшовчи ёрдамчингиз ва дустуригиз бўлиб қолганига ишонди.
«ТУРОН ЛИНК-067» ПЕЙДЖИНИНГ ХИЗМАТИ — СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ ГАРОВИ!
ШАХСИЙ РАДИОЧАҚИРУВ ОЛАМИГА ШОШИЛИНП

Халқ оғзаки ижоди

Сурхон воҳасининг тўй-тантаналари бахшиларсиз, азал-азалдан оғиздан-оғизга ўтиб келадиган лапар ва ёр-ёрларсиз ўтмайди.

«ҚўНҒИРОТ»НИНГ ҚЎШИҚЛАРИ



Кизирик туманидаги Х.Эшонов номли ширкат х ў ж а л и г и д а «Қўнғирот» фольклор-этнографик дастаси бор.

Қўшиқ куйлаётган қўнғирот аёллари, ўтов ёнида ўйноқлаб юрган улоқ ва кўзичоқлар, ўрмак тўкиётган жувонлар, хиргойи қўлиб сиғир соғайтган момолари кўриб, завқингиз ошад.

«Ерғинчоқ» кўшиғида қадимги қўл тегирмон орқали ун чиқараётган аёллар руҳияти очилган. Дастанинг миллий либослардаги кўшиқчилари ўтов ичкарисида лавра қуришган.

«Ерғинчоқ» кўшиғида қадимги қўл тегирмон орқали ун чиқараётган аёллар руҳияти очилган.

«Ерғинчоқ» кўшиғида қадимги қўл тегирмон орқали ун чиқараётган аёллар руҳияти очилган.

«Ерғинчоқ» кўшиғида қадимги қўл тегирмон орқали ун чиқараётган аёллар руҳияти очилган.

«Ерғинчоқ» кўшиғида қадимги қўл тегирмон орқали ун чиқараётган аёллар руҳияти очилган.

«Ерғинчоқ» кўшиғида қадимги қўл тегирмон орқали ун чиқараётган аёллар руҳияти очилган.

миллий тарзда саҳналаштирилиб ижро этилишида ёши олтишга бориб қолган, улан ва лапарларнинг моҳир ижрочиси Ойсоат момо Мўминованинг хизматлари катта бўлаётир.

— Ай, ойнамов, азалдан момоларимизнинг момолари, эналари-нинг эналари қўшиқ айтишган. Бизнинг ҳам тангаймиз аёллар-қўшиқ билан кўтарилган. Шу бисотлар эвара-чевараларимизга ҳам етиб борсин, деган ўй билан қари-ган чоғимизда ҳам айтиб туриб-миз. Шогирдларим Ҳалима, Гул-чеҳралар ҳамда Холмўмин бахши-лар билан кўшиқларни сайқаллаб, эл хузурига чиқиб турибмиз, — дер экан, энахон доирани кўлга олиб хиргойи қилиб берди.

Ўрмак ўтар ўралиб, Мен журубман керилиб, Қайнонам қарамайди, Урмагига ўйирлиб.

(«Ўрмак» кўшиғидан).

«Қўнғирот» дастаси Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги тантаналарида бағишланган концерт дастурининг биринчи бўлиб чиқиб, «Ота алласи» номли халқ кўшиғини ижро этди:

Наврўзжонимнинг буйиғиза, хўё-хўё-хўй, Карсондай гуллар очилсин, хўё-хўё-хўй. Душманларининг йўлига, хўё-хўё-хўй, Чақир тиканлар босилсин, хўё-хўё-хўй.

Даста ўтган йили илк бор ўтказилган «Бойсун баҳори» фестивалида ҳам кўп оқшўшлар олди.

«Қўнғирот»нинг «Ер-ёр», «Хал-қал туя», «Ошиқ», «Чилик», «Маж-нунтол», «Турей-турей» сингари ўнлаб термалари, «Алпомиш», «Кунтуғмиш» сингари дostonлардан айтишувлари аждоларимиз меросига, удумларига ташна қалб-ларга сурур ва гурур бахш этмоқда.

Айни пайтда даста Наврўз байра-мига қизгин ҳозирлик кўрмоқда.

Чори АЛИМОВ.

«Азиз она юртим наволари»

Этироф этиш кераки, юртимизда «Нихол», «Офарин», «Ўзбекистон — Ватаним маним» сингари кўрик-танловларнинг ўткази-лиши ўнлаб ёш истеъдод со-ҳибларини кашф этмоқда.

«Ўзбекнаво» экстрада бир-лашмаси, Ўзтелерадиокомпани-я, Ўзбекистон Ёзувчилар ҳамда Бастакорлар уюшмала-ри ҳамкорлигида — умумхалқ байрами — Наврўзга бағишлаб ўтказилган «Азиз она юртим наволари» миллий эстрада кўшиқлари кўрик-танлови ҳам кўшиқчилик санъати оламида катта шов-шувга сабаб бўлди.

«Туркистон» саройида ўтказил-ган мазкур танловнинг респуб-лика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан етмишдан ортиқ ёш хонанда иштирок этди.

Танловда ёш истеъдоларни аниқлаш билан бир қаторда, бастакорнинг энг ёрқин му-сиқа асари, шоирнинг Ватани-мизни, истиқлолимизни улуғ-ловчи шеъри, оҳанглари уй-ғунаштириш устасининг замо-навий ва миллий руҳда моҳи-рона яратган куйи учун ҳам ма-хсус дипломлар топширилди.

Унга кўра, биринчи ўрин Ўзбекистон Давлат консерва-торияси талабаси Гулсанам Мамазайтовага, иккинчи ўрин навоийлик хонанда Жадира Тулагановага, Тошкент шаҳри-дан институт талабаси Дил-ноза Мирзахўжаевага — насиб этди. Л.Аҳмедова, О.Абдуғаф-форова, З.Қўчқоров эса ун-ин-чи ўринга муносиб деб топил-дилар.

Шоира БОЙМУРОДОВА, ЎЗМУ талабаси.



Баҳорга пешвоз...

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ сурат-лавҳаси.

Спорт

Кизилтепа туманида бир қишлоқ бор. Бу ерда шахматни билмайдиган одам кам топилади. Ешу қари спортнинг бу турини ўзларининг энг севимли машғулот, деб билади.

Сафар Ражабов номи мактаб ўқитувчилари ўз ўқувчилари билан дарсдан кейин шахмат суршимасдан ўйларига қайтишмайди.

Хайрулла Йўлдошев деган ўқитувчи ўйинда ҳеч қимнинг кўзини очирмай қўйган. Билмдонилиги билан ўқувчилар-нинг меҳрини қозонган бу ўқитувчи шахмат ўйинида эўрлиги билан ҳам ажралиб туради.

Шахматчилар қишлоғи

— Сенинча, бўш хона бўлса бас-да, дон сурганинг-сурган. Вариант деган гап билан ишинг йўқ. Билмай-сан-да. Қани қайтадан бош-ладик. Мана, буни французча ўйиндаги Мак-Кетчон ва-рианти дейишди, — домла шундай дейди-ю, ўйинга ки-ришди. Гоҳида ичимдагини топ, деб тураверади.

Ана шу домла қишлоқни шахмат мактабига айланти-риб юборди, десак, ҳеч ик-килмай ишонаверинг. Бир-гина Тошмачит маҳалласида юздан ортиқ ёшлар ақл гим-настикаси билан шуғуллана-япти. Бекорчи ёшларни топ-полмайсиз. Сал бўш вақт бўлдимни, кўшнисиникига еки маҳалла марказига шахмат тахтасини кўтариб чиқавера-ди. Ота-оналар ҳам кундалик ҳолатларга ўрганиб қолиш-ган. Ахир, шахматнинг тур-ган-битгани ақл қархлаш-да.

Маҳалла болалари, бир неча йилдирки, туман че-мпioni номини ўзларида сақ-лаб келишмоқда. Утган йили Тошкентда қизлар ўртасида ўтказилган республика мусо-бақасида мактаб ўқувчиси Озодахон Йўлдошева бирин-чи ўринни кўлга киритди.

Ноябрь ойида Фарғона шаҳ-рида «Труд» газетаси соври-ни учун ташкил этилган бел-лашувларда беш давлатдан келган ёш шахматчилар ора-сида ҳам унинг иқтидорига кўпчилик тан берди.

Янги йилнинг дастлабки кунларида Кармана шаҳрида 5-7 синф ўқувчилари ўртаси-да вилоят биринчилиги бўлиб ўтди. Унда Вангозе қишлоғи ёшларидан иборат шахматчилар гуруҳи туман шарафини ҳимоя қилиб, ик-кинчи ўринга муносиб то-

пиди. Тўлқин Файзиев, Озо-дахон Йўлдошева, Салоҳид-дин Худойкулов, Зарнигор Йўлдошева каби ёшлар тенг-дошларидан анча устунлиги-ни намойиш этишди. Озода-хон эса вилоят чемпиони деган номни ўзида сақлаб қолди.

— Республикамизда бола-лар спортини ривожланти-риш йўлида катта қадам таш-ланди, — дейди қишлоқ фу-қаролар йигити раиси Тур-сунпўлат Азизов. — Ўғил-қизларимизга барча шарт-шароитларни яратиб бериш-га ҳаракат қилаяпмиз. Май-дончалар, спорт заллари етарли, маҳаллаларда ҳам ўйингоҳлар ташкил этишга киришдик.

Спорт турлари орасида шах-матнинг ўрни алоҳида-да. Бо-лаларимизнинг қизиқишлари-дан қувонмай бўладими? Яқинда шахмат тарихи буйича билмдонилик кўрик-танлови ўтказилди. Узим ҳам бу тан-лов давомида кўп нарсаларни билиб олдим. Кўрасиз, кела-жакда қишлоқимиздан гросс-мейстерлар чиқади. 64 катак ўзининг жозибаси билан ёш-ларимиз қалбини забт этиши-да мактаб ўқитувчиларининг хизматлари бекиёс. Ақлни пешлаш машқлари ҳар бир оилада олат тусини олмақда.

Дарҳақиқат, ўзига хос куч, ижодий фикр талаб этувчи ўйин қизилтепалик болалар ўртасида тобора кенг қулоқ ёётганига мисоллар кўп. Зеро, ақл гимнастикаси, дея таърифланган шахмат ёш-ларнинг билим ва дунёқа-рашларини кенгайтиришда муҳим роль ўйнайди, дейиш мумкин.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН — ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ

«Санъат ва маданият» дастури доирасида «Ижодий-бадий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш учун кичик грантлар» танловини эълон қилади.

Танлов мақсади — Ўзбекистон ижодкор зиёлилари (айниқса, ёшлар)нинг иқтидорли вакиллари ва кичик, аввало, нодавлат, бадий бирлашмаларнинг мустақил ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш.

Танлов ғолиблари ўзлари таклиф этган ва қиймати 100дан 3000 АҚШ доллари (Ўзбекистон Марказий банкнинг тўлов вақтидаги курси бўйича сўмда) гача бўлган қисқа муддатли шахсий ёки жамоавий лойиҳалар шаклидаги бадий фикрларни амалга ошириш имконига эга бўлишади.

Эҳтимол тутилган бадий лойиҳаларга қуйидагилар кирди:

- бадий кўргазма;
• муаллифлик концерти ёки мусақачи ёхуд камер оркестрининг концертлар цикли;
• мустақил режиссёр томонидан спектакль кўйиши;
• қисқа метражли видеофильми сурата олиши;
• санъатшunosлик семинари ёки конференциясини ўтказиши;
• янги музей экспозициясини ташкил этиши.

Юқоридagi талбирлар санъатнинг замонавий, шунингдек, анъанавий турларини (халқ амалий санъати, бадий ҳунармандчилик) ўз ичига олади.

Кўриб чиқилган лойиҳаларга қуйидагилар асосий мезонлар:

- фикрнинг янгилиги ва ўзига хослиги;
• мустақил (муқобил) бадий гоя, бадий (санъатшunosлик) концепциясининг мавжудлиги;
• бадий тажриба;
• қўйилган вазифаларни ҳал этишнинг юқори бадий даражаси;
• ишонарвар, умуминсоний ва миллий гоялар ҳамда уларни таъбиқ этиш шаклларининг бирлиги;
• Очiq жамиятнинг асосий гоялари ва тамойилларига мувофиқлик.

Лойиҳаларни молиялашнинг бошқа қўшимча манбаларини излаш ва улардан фойдаланиш рағбатлантирилади. Совга ва мукофотлар тўлови кўзда тутилган. Ҳар бир мурожаат қилувчидан фақат бир лойиҳа қабул қилинади.

Тижорат мақсадидаги, зўравонлик, шафқатсизлик, миллатлараро адоват, ихтилоф ва бошқа шунга ўхшаш гояларни тарғиб этувчи лойиҳалар танловга қабул қилинмайди.

Танловда қатнашни учун Очiq жамият институтига қуйидаги ҳужжат ва материаллар (ўзбек ёхуд рус тилида) тақдим этилиши зарур:

- лойиҳанинг гояси ва асосий параметрлари (иштирокчилари, тартиби, ўтказиш муддатлари ва жойи, календарь-режа, батафсил бюджет, қўйилган натижалар ва ҳ.к.) асосланган қисқача (5 варақдан кўп бўлмаган машинкаланган мати) баёни;
• мурожаат қилувчи (лоиҳа раҳбари) ва иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлар: ижодий таржимаи ҳол, алоқа телефони ва манзиллари, расмий ҳужжатлар (паспортнинг дастлабки бетлари, дипломлар, гувоҳнома, патентлар, ҳоҳиш бўйича бошқа расмий ҳужжатлар) нусхалари;
• ижод намуналари (слайдлар, нусхалар, аудио ва видеоматериаллар, оригиналлар ва ҳ.к.);
• ижоди ҳақида оммавий ахборот воситалари, илмий тадқиқотлар ва ҳ.к. ларда чоп этилган фикрлар;
• мурожаат қилувчининг бадий (санъатшunosлик) фаолиятига тегишли йўналиш вакиллари билан (бир-икки) таъсирнома хатлари.

Буюртмаларни қабул қилиш мазкур эълон газетанида чикқач бошланади. Буюртмаларни қабул қилишнинг охири кун — 2003 йил 15 март. Лойиҳалар Ўзбекистон — очiq жамият институтини «Санъат ва маданият» дастурининг эксперт қўмитаси ва республиканинг мустақил санъатшunosлари томонидан кўриб чиқилади. Танлов натижалари март ойининг охирида эълон қилинади.

Барча қўшимча саволлар юзасидан қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилинсин: 700031, Тошкент ш., Зарбоғ (Собих Роза Люксембург) кўчаси, 31-ўй, Очiq жамият институтини. Телефонлар: (998 71) 120-54-08, 120-54-09, 120-54-10, 120-54-11. Факс: (998 71) 120-68-54.

Электрон почта: alexs@osl.uz

«Санъат ва маданият» дастурини мувофиқлаштирувчи — Александр Жумаев.

«TOSHKENT-ZENNER» ҚҚ
Ўзбекистон Республикасини халқини кўриб келадиган НАВРЎЗ байрами билан табрликлайди!
БАЙРАМ МУНОСАБИ БИЛАН ЎЗ МАХСУЛОТЛАРИ НАРХИГА ҚУЙИДАГИ ЧЕГИРМАЛАРНИ БЕРАДИ:
• совуқ ва иссиқ сув улчагичлари — 20 фоизгача;
• ҳар қандай иссиқлик истеъмоли учун иссиқлик улчагичлари — 30 фоизгача.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КАРТОН ВА ГОФРОКАРТОН СИГИМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЭНГ ЙИРИК КОРХОНА —
хорижий сармояли «SANOATQALINQOG'OZSAVDO» ОАЖ
(Собих «ПРОМАКАРТОНТОРГ»)
2003 йилда қуйидаги МАХСУЛОТЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ:
✓ Турли хил ўлчамдаги ва бир неча рангда тайёрланган ва ҳар хил мақсадлар учун мўлжалланган гофрокартонлар
✓ Гофрокартон
✓ Матбаачилик ва кўтоблар учун елимланган картон
✓ Буюмларни ўраш коғози
✓ Якка тартибда буюртма бўйича картон махсулотлари
✓ Туҳумларни, ташвиш ва сақлаш учун қатламлар
✓ Ҳар хил ўлчамдаги қалинлиги 3 - 3.5 мм бўлган толали плиталар.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

Биз Италия асбоб-ускуналарида қуйидагиларни тайёрлаймиз.
• Пиво, маъдани сув ва мева ичимликлари учун мўлжалланган рангли логотип КРОНЕНТИҚИНЛАР
• АЛЮМИНИЙ ҚАЛПОҚЧАЛАР «бурама оғиз»
Тел.: (9981) 173-83-43, 137-06-66.
Факс (9981) 173-93-12.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси Вазирлар Маҳкамасининг Агроеконом комплекс котибият мудир Ибодулло Қалибековга падалирувчи
ЖОНТЎРА отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
«Узқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси жамоаси «Тошкент тажриба механика заводи» бошқаруви раиси
Завирлло КОМИЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.
«Узпаррандасаноат» акциядорлик уюшмаси раҳбарияти ва меҳнат жамоаси «Кийт» ҳиссадорлик жамияти раиси
Олимбой РАЖАБОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура қурилиш институтини жамоаси «Менежмент ва тадбиркорлик» кафедраси мудир, доцент Р. И. Гумушова оғиси
ФАРИДА яннинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
Эллиқалпа тумани ҳокимлиги Эллиқалпа кўрғини ўзлаштириш ташкилотчиларидан бири, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, ҳуқуқшunosлик фанлари номзоиди
Олимбой РАЖАБОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ» НАРОДНОЕ СЛОВО
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетачилар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.
Рўйхатдан ўтган тартиб № 00001
Буюртма Г — 169, 35313 нусхада босилган, ҳажми — 2 тираж, Offset усулида босилган.
Кўзг қилими А-2
Газета ИВМ компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Тажрибанида ҳажми 5 қороздан иёл материаллар қабул қилинади.
П — Тижорат материал
• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳих — М. Сулаймонова.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5 6